

ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРИК МАШҒУЛОТЛАРИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА БИЛИМ, МАЛАКА ВА КҮНИКМАНИ СИНГДИРИШДА ЎҚИТУВЧИ ВА КОМАНДИРЛАРНИНГ МЕТОДИК МАҲОРАТИ

Аташайхов Абдуваҳид Абдушукурович

ўзбекистон республикаси жамоат
хавфсизлиги университети дотсенти

Аннотатсия: Ушбу мақолада жисмоний тайёргарликнинг умумий асослари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг юқори жанговар шайлиги ва унга тасир кўрсатувчи омиллар. Соғ мухитнинг ҳарбий хизматчилар соғлиги учун таъсири ёритиб берилган.

Калит сўзлар: курсант, жисмоний метод, жанговар шайлик, взвод, комадир

Атроф мухитда бўлаётган жараёнларда хавфсизлик энг олий масала ҳисобланади. Шу боисдан ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ушбу ҳолатда юқори масъулият талаб қиласди шу билан биргаликда шуғулланиши кераклигини тақозо этади. Тингловчи (курсант)ларнинг жисмоний тайёргарлиқдаги муваффақияти ўқитувчи ёки взвод командирининг машғулотларда тегишли усуllар, услублар ва таълим шаклидан фойдаланишдаги маҳоратига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Жисмоний тайёргарлик жараённида таълим ва тарбиятнинг умумий принциплари ва методлари татбиқ этилади. Бироқ, жисмоний тайёргарликнинг ҳар бир предмети бўйича взвод командири ёки ўқитувчи методик маҳоратини такомиллаштириш ўзига хос хусусиятга эга. Шахсий таркиб билан жисмоний тайёргарлик бўйича машғулот ўтказувчи ҳар бир ҳарбий хизматчи, бир томондан, сержантлар таркибининг методик тайёргарлигини амалга оширади, иккинчи томондан эса, унинг шахсий методик маҳоратини оширишга йўналтирилган тадбирлар тизимида иштирок этади.

Юқори даражадаги маҳорат ўзида билим, малака, кўникма ва одатий ҳаракатлар тизимини қамраб олади. Жисмоний тайёргарлик бўйича методик маҳорат взвод командири ёки ўқитувчидан жисмоний машқларни ўргатиш жараёнининг можияти ва унинг мазмунини, машғулотларни ташкил этиш бўйича амалий малака ва маҳоратларни эгаллашни ҳамда уларни ўтказиш методикатсини яхши ва мустаҳкам билишни назарда тутади.

Билем – бу жисмоний машқларга ўргатиш амалиёти ва назариясига тааллуқли ҳодисалар, тушунчалар, қоида ва объектив қонуниятларнинг хотирага тўғри қабул қилиниши ва мустаҳкамтлағниши. Булар асосида взвод командири ёки ўқитувчи қўл остидагиларнинг таълими бўйича амалий хуносалар қиласди. Билем асосида усул ва ҳаракатларни ўзида қамраб оловчи малакалар ҳосил бўлади. Жисмоний тайёргарлик ҳақидаги билимлар малака ёрдамида шуғулланувчиларга етказилади, сингдирилади, машқларни бажаришга қодирлик шаклланади, жисмоний ва иродавий хислатлар ривожланади, таълим оловчиларнинг фаолияти ташкиллаштирилади.

Маҳорат – ўзида бир қатор малакаларни қамраб олади ва улар билан қиёслаганда катта ҳаракатчаникка, ҳаракатларни бажаришни ижодга, санъатга айлантириш имкониятига эга бўлиб, онгли ҳаракетер касб этади. Билем, малака ва маҳорат ўртасида чамбарчас алоқа ва ўзаро боғлиқлик мавжуд. Малака ва маҳорат билим асосида пайдо бўлиб, ўз навбатида, билимларни чуқурлаштиради, уларни бир қадар пишиқ ва керакли томонга ўзгара оладиган қиласди. Маҳорат орқали билимни амалиёт билан боғлаш рўй беради.

Жисмоний тайёргарлик ва спорт жараёнида қўйидаги педагогик вазифалар ҳал қилинади: таълим, соғломлаштириш ва тарбия. Бунда ўқитувчи ёки взвод командири жисмоний машқларни ўргатиш жараёни учун ўзига хос ҳисобланган тегишли билим, малака ва маҳоратдан фойдаланади.

Таълимга оид билим, малака ва маҳорат жисмоний машқларни ўргатиш жараёнини бошқариш учун зарур элементлар ҳисобланади. Ўқитувчидан ёки взвод командиридан жисмоний тайёргарликнинг мақсади ва вазифасини, ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг жисмоний тайёргарлигига қўйиладиган талабларни, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини такомиллаштиришда жисмоний тайёргарлик-нинг ролини билиш талаб этилади. Таълимда жисмоний хислатлар ва ҳаракат малакаларини шакллантиришнинг объектив қонуниятларини, жисмоний машқларни бажариш техникасининг асосларини билиш жуда муҳим. Ўқи-түвчига, шунингдек, машғулотларни ташкил қилиш ва уларни ўтказиш методикаси: таълим принциплари ва методлари, режалаштириш, жисмоний тайёргарликни назорат ҳамда баҳолаш ва бошқа билимларни эгаллаш зарур.

Жисмоний машқларни ўргатиш машғулотларини ўтказишда малака ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу малакага машқни

амалий кўрсатиш ва тушунтириш, хатоларнинг олдини олиш ва тузатиш, ёрдам кўрсатиш ва страховка, машқнинг бажарилиш сифатини баҳолаш, ўргатишда метод ва методик усусларни қўллаш, машғулотнинг зичлиги ва жисмоний зўриқиши тартибга солиш ва бошқалар киради.

Шунингдек, ўқитувчи ёки взвод командири машғулотни ташкил қилиш ва шуғулланувчиларни бошқариш, жумладан команда бериш, танбеҳ беришни билиш, дарс жараёнида ва мустақил тайёртгарлик вақтида ўзлаштириши суст тингловчи ва курсантларни ўргатишни ташкил қилиш, шуғулланувчиларнинг жисмоний ва методик тайёрланганигини назорат қилиш ҳамда баҳолаш ва бошқа малатқатларни эгаллаши лозим.

Спорт ишларини самарали ташкил қилиш ва бошқариш учун ҳарбий хизматчи спорт ташкилотчиси мажбуриятларини бажариш, спорт жамоаларида машғулотлар, спорт ўйинлари турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, спорт комплекси бўйича хўжалик ишларида ва мусобақаларда ҳакамлик қилиш малакаларига эга бўлиши керак.

Спорт ва жисмоний тайёртгарлик бўйича ўқув ҳужжатларини тайёрлаш борасидаги малака ва маҳорат алоҳида гуруҳга тааллуқли. Улар: машғулотларни ўтказиш учун фан бўйича ўқув-методик мажмуа, режа-конспект, жисмоний тайёртгарлик бўлимлари бўйича машғулотлар режалари (поурочных планов) ва машғулотлар жадвалини ишлаб чиқиш; жисмоний тайёртгарликни текшириш ва баҳолаш бўйича ҳужжатларни тўлдириш; взвод ва гуруҳларда спорт тадбирларини режалаштириш, мусобақатларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, спорт жамоалари фаолияти режаларини тузишни қамраб олади.

Тингловчи ва курсантларнинг меҳнат малакаларини эгаллаштари машғулот жойи, спорт инвентарлари ва анжомларини тайёрлашда взвод командирига машғулотнинг моддий таъминоти бўйича қўл остидагиларнинг фаолиятини бошқариш имкониятини яратади. У машғулот ва мусобақалар ўтказиш учун жой тайёрлаш (спорт майдонини белгилаш, кросс масофасини ўлчаш, ва бошқалар), жиҳозлаш ва спорт инвентарларининг таъмири бўйича (ўқув қуроли таъмири ва шунга ўхшаш), мусобақа ва машғулот ўтказишнинг оддий жойлар қурилиши (гимнастика снарядлари, волейбол майдони, сакраш учун чуқурлик ва ҳоказо) бўйича аниқ малака ва маҳоратга эга бўлиши лозим.

Соғломлаштириш (санитарно-гигиеник)га оид билим, малака ва маҳорат жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотларнинг ўрганувчилар организмига таъсирини назорат қилиш, жароҳатланиш ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, зарурат туғилганда эса шуғулланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бунинг учун взвод командири ёки ўқитувчи жисмоний тайёргарлик ва спортнинг анатом-физиологик асосини, гигиена асосларини, шифокор назорати ва ўзини ўзи назорат қилиш, спорт массажи (уқалаш) ва ўзини ўзи массаж қилишни билиши керак. У лат ейиш, пай чўзилиши, қуёш ва иссиқ уриши, чиқиш-синиш, куйиш ва совуқ уришида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни, шу-нингдек, сунъий нафас олдириш усувларини бажаришни билиши лозим.

Массаж ва ўзини ўзи массаж қилиш, тиббий назорат (пульсни, нафас олиш тезлигини, тананинг оғирлигини, чарзоқ аломатлари бўйича жисмоний зўриқишини аниқлаш), шахсий ва умумий гигиена (организмни чиниқтириш, тик қомат ва саф батартиблигини шакллантириш, расионал нафас олишни ҳосил қилиш), малака жисмоний машқларга ўргатиш жараёнида ҳаракат кўникмаларини шакллантириш борасида максимал натижаларга эришиш учун, ўрганувчилар соғлиғини сақлаш ва организмнинг функцонал имкониятларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Тарбиявий ишларда билим, малака ва маҳорат взвод командири ёки ўқитувчига тингловчи ва курсантларни тарбиялаш билан жисмоний машқларга ўргатишнинг яхлит бирлигини амалга ошириш учун керак. Улар асосида тарбиявий ишларнинг умумий билим, малака ва маҳорати ётган бўлиб, взвод командири ёки ўқитувчи буларни қўл остидагиларга таълим бериш борасидаги ўз фаолияти жараёнида эгаллаб боради.

Ўргатувчи мураббий жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотларда тарбиявий ишларнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳарбий хизматчиларни психологик, ахлоқий-сиёсий ҳамда ватанпарварлик руҳида тайёрлашдаги роли ва аҳамиятини билиши лозим. У жисмоний восита́ларни қўллаган ҳолда қўл остидагиларда руҳий-жанговар сифатларни шакллантириши, ходимларнинг жисмоний жиҳатдан такомилла-шувига, спорт машғулотларига мунтазам равишда қатнашишларига ҳаракат қилиши, жисмоний тайёрланганликнинг муҳимлигитни тушунириш бўйича тарбиявий тадбирларни ташкил қилиши керак.

Шунингдек, бу борада (жисмоний тарбия ва спорт бўйича) тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш малака ва маҳоратини эгаллаш катта аҳамиятга эга. Бундай ишларга маъruzalар ва сұхбатлар ўтказиш, видеофильмлар, плакатлар, шиорлар, чақириқлар тайёрлаш, мусобақалар натижаларини расмийлаштириб бориш ва бошқалар киради.

Машғулот олиб борувчи взвод командири ёки ўқитувчиларнинг педагогик билим, малака ва маҳоратларининг мазмуни тингловчи ва курсантлар билан жисмоний тайёргарликни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича функционал мажбуриятлари билан мос келиши лозим. Улар жисмоний тайёргарлик бўйича МГ ва қўмондонлик буйруқлари ва йўриқ-номалари билан белгиланади ҳамда таълим дастури асосида аниқлаштирилади. Билим, малака ва маҳоратнинг юқори даражаси жисмоний тайёргарлик бўйича тингловчи ва курсантларни тарбиялаш ва ўқитища ҳал қилувчи омил бўлиб, взвод командири ёки ўқитувчининг методик маҳоратини белгилайди. Шу сабаб ҳарбий хизматчилар орасида жисмоний тайёргарликнинг аҳамиятини ошириш мухим аҳамият касб этади. Зеро мамлакат тараққиёти ва юксак ҳушёрлик юксак жисмоний тайёргарликнинг асосидир.

1. Минх А.А., Малишева И.Н. Умумий ва спорт гигиенаси асослари. – Т., 1981.
2. Саломов Р.С. Спорт машғулоти назарий асослари. – Т., 2005
3. Кочкаров А.А. Педагогическая технология профессионально-прикладной физической подготовки курсантов высших сержантских курсов. Диссертация на соискание учёной степени кандидата педагогических наук. – Т., 2006.